

ISSN: 2181-4562

DOI Journal 10.56017/2181-4562



IMFAKTOR

# JOCAA

VOLUME I, ISSUE 9

МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ

# JOURNAL OF CULTURE AND ART

КУЛЬТУРА И ИСКУССТВО

NOVEMBER

2023



ISSN: 2181-4562  
DOI Journal 10.56017/2181-4562

# МАДАНИЯТ ВА САЊАТ ЖУРНАЛИ

I-ЖИЛД, 9-СОҢ

## ЖУРНАЛ КУЛЬТУРА И ИСКУССТВО

ТОМ-I, НОМЕР-9

## JOURNAL OF CULTURE AND ART

VOLUME-I, ISSUE-9

ТОШКЕНТ – 2023

# МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ КУЛЬТУРА И ИСКУССТВО | JOURNAL OF CULTURE AND ART

№ 9 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.56017/2181-4562-2023-9>

## БОШ МУҲАРРИР:

Халикулова Гўзал  
Эркиновна

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти  
профессори в.б., Санъатшунослик фанлари номзоди

## МАСЪУЛ МУҲАРРИР:

Мелиқўзиев Иқбол  
Мамасодиқович

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти  
кафедра мудири, профессор в.б., Санъатшунослик  
фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

## ТАҲРИРИЯТ АЪЗОЛАРИ:

Касимов Нозим  
Козимович

Ходжаметова Гулчира  
Илишевна

Маданият ва туризм вазирлиги “Таълим ва илм-фанни  
ривожлантириш бошқармаси” бошлиғи, профессор  
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Нукус  
филиали “Санъатшунослик” факультети декани, Тарих  
фанлари номзоди, профессор

Абдувоҳидов  
Фахриддин  
Мелигалиевич

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти  
кафедра мудири, доцент, Санъатшунослик фанлари  
бўйича фалсафа доктори (PhD)

Кадиров Рамз  
Турабович

Умаров Мамур  
Боташикович

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти “Саҳна  
нутқи” кафедраси доценти

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти  
“Санъатшунослик ва маданиятшунослик” кафедраси  
профессори в.б., фалсафа фанлари номзоди

Худоев Ғани  
Муҳаммадович

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти  
кафедра мудири, Санъатшунослик фанлари бўйича  
фалсафа доктори (PhD)

Бердиханова Шахида  
Нурлыбаевна

Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати  
институти “Ўзбек мақоми тарихи ва назарияси”  
кафедраси мудири, санъатшунослик фанлари бўйича  
фалсафа доктори (PhD)

Дўсанов Раҳимжон  
Раимқулович

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти, “катта  
ўқитувчи”, мустақил тадқиқотчи

Суннатиллаев Асатилло  
Суннатович

Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати  
институти “Илмий тадқиқотлар, инновациялар ва илмий-  
педагогик кадрлар тайёрлаш” бўлими бошлиғи, мустақил  
изланувчи (PhD)

Алланбаев Рудакий  
Оринбаевич

Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист, “Шуҳрат”  
медали соҳиби, профессор в.в.б

Зиявутдинова Зулфия  
Усеиновна

“Мусиқа санъати” ихтисослиги бўйича доцент

Раимова Дилфузахон  
Махаммадсолиевна

“Мусиқа санъати” ихтисослиги бўйича доцент

Ботирова Хилола  
Турсунбаевна

“Мусиқа санъати” ихтисослиги бўйича доцент

“Маданият ва санъат” журнали 2023 йил 24 февраль куни № 065356-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган. Мазкур журнал **6 та** халқаро маълумотлар базаларида индексланган бўлиб, жорий йил учун **UIF 2023 = 7.7 “импакт-фактор”** кўрсаткичига эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг 2023 йил 24 июлдаги 01-02/1199-сонли хатига мувофиқ ушбу журналда чоп этилган мақолалар **хорижий мақолалар сифатида тан олинади.**

Саҳифаловчи\Page Maker\Верстка: Абдурахмон Хасанов

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2/27-уй. Почта индекси 100152. Веб-сайт: [www.imfaktor.uz/com](http://www.imfaktor.uz/com)

Телефон номер: +99894-410 11 55, E-mail: [tahririyat@imfaktor.uz](mailto:tahririyat@imfaktor.uz)

© “ИМФАКТОР Pages” илмий нашриёти , 2023 йил.

© Муаллифлар жамоаси, 2023 йил.

# МАДАНИЯТ ВА САЊАТ ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ КУЛЬТУРА И ИСКУССТВО | JOURNAL OF CULTURE AND ART

**ХОДЖАМЕТОВА Гулчира Илишевна**

*Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Нукус филиали  
профессор, тарих фанлари номзоди  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.10075841>*

## ҚОРАҚАЛПОҚ ХАЛҚИНИНГ МИЛЛИЙ МАДАНИЙ ҚАДРИЯТЛАРИНИНГ ИФОДАСИ

### АННОТАЦИЯ

Ўзбекистонда профессионал мусиқа санъати ривожига жараёнида композиторлик ижодиёти алоҳида аҳамият касб этади. Табиийки, композиторлик ижодиёти кўп овозли мусиқий жанрларга мурожаат этиши, жаҳон мусиқа маданиятини чуқур ўрганиш асносида ўз миллий тараққий йўлини белгилаши тақозо этди. Миллий композиторлик мактабларнинг шаклланиши ва ривожланиши шу тарихий босқичлар асосида амалга ошди. Бевосита мазкур мактабларни ўзига хослиги, миллий қиёфасини белгилашда шу мактабларни таркибига кирган ижодкорларнинг самарали ижодий ютуқлари белгилаб берди. Ёш авлоднинг мусиқий истеъдодини ва маданиятини юксалтириш мақсадида, мамлакатимизнинг ҳар бир шаҳар-туманида мусиқа ва санъат мактабларининг фаолият кўрсатиши назарда тутилган.

**Калит сўзлар:** мусиқа, санъат, келажак авлод, меърос, жанр, ижрочилик санъати, композитор, маданият, миллий қўшиқлар, замонавий мусиқа, сахналар, симфоника, балет, бақсы, жиров, қиссахонлик.

## ВЫРАЖЕНИЕ НАЦИОНАЛЬНЫХ КУЛЬТУРНЫХ ЦЕННОСТЕЙ НАРОДОВ КАРАКАЛПАКСТАН

### АННОТАЦИЯ

В процессе развития профессионального музыкального искусства Узбекистан особое значение приобретает композиторское творчество. Естественно, что необходимо было обращение творчества композитора к полифоническим музыкальным жанрам, определение собственного национального пути развития в ходе глубокого изучения мировой музыкальной культуры. На основе этих исторических этапов происходило становление и развитие национальных композиторских школ. Своеобразие и национальный облик этих школ напрямую определялись результативными творческими достижениями художников, входивших в эти школы. В целях повышения музыкального таланта и культуры молодого поколения в каждом городе-районе нашей страны планируется открыть музыкальные школы и школы искусств.

**Ключевые слова:** музыка, искусство, будущее поколение, наследие, жанр, исполнительское искусство, композитор, культура, народные песни, современная музыка, сценки, симфония, балет, баксы, жиров, қиссаханы.

## EXPRESSION OF NATIONAL CULTURAL VALUES OF THE PEOPLES OF KARAKALPAKSTAN

### ANNOTATION

In the process of development of professional music art in Uzbekistan, composer's creativity is of special importance. Naturally, it was necessary for the creativity of the composer to turn to polyphonic musical genres, to determine his own national development path during a deep study of the world music culture. The formation and development of national composition schools took place on the basis of these historical stages. The originality and national image of these schools were directly determined by the effective creative achievements of the artists who were part of these schools. In order to improve the musical talent and culture of the young generation, it is planned to operate music and art schools in every city-district of our country.

**Keywords:** music, art, future generation, heritage, genre, performing arts, composer, culture, national songs, modern music, scenes, symphony, ballet, baksy, jirov, kyssakhans..

Ёш авлодни маънавий шакллантиришда мусиқа санъатининг ўрни бекиёсдир. Классик куй ва кўшиқлар тинглаган ҳар бир киши гўзаллик дунёсига кириб қолади, маънавий етук ва баркамол, инсонларга соф назар билан қарайди. Демакки, атрофдаги воқеа-ҳодисаларни эзгулик сари нигоҳ ташлаб, мамлакатнинг раўнақига катта улушини кўшади.

Аждодларимиздан бизга бой ва ўлкан меърос қолганки, уни тарғиб қилиш, мусиқа санъати анъаналарини давом эттириш, жаҳон андозаларига жавоб берган ҳолда ёш авлодни тарбиялаш ва етук мутахасис кадрлар қилиб етиштириш бугунги кун давр талабидир.

Санъат ва маданият ҳар бир миллатни дунёга танитувчи муҳим омил эканлигини мухтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёев доимо эътироф этиб келган. Бу борада ҳукуратимиз томонидан ёш авлодни ҳар тамонлама илғор ва етук қилиб тарбиялаш борасида кўплаб самарали ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, келажак авлодга мусиқа сир-асрорларини ўргатиши борасида устозлар кўмаги остида билимларини ошириши, ўзининг ижрочилик маҳоратини намаён этишлари учун барча шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. [1. 2017-йил 31- майдаги ПҚ-3022-сон]

Мухтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан бугунда Ўзбекистон ёшлари композитор ва ижодкорлари ижрочилари ва санъат намаёндалари учун маҳоратларини курсатиш учун кенг йул очиб берилмоқда. Халқаро майдонда ўтказиб келинаётган анжуман танловлар, фестивалъ ва турли олимпиадалар, чет элдан дунёнинг таникли санъат арбобларининг мамлакатимизга ташрифи, Ўзбекистон давлат консерваторияси, республика бўйлаб мусиқа масканларида ўтказилиб келинаётган концертлар, маҳорат кечалари, миллий композиторлик мактаби нуфузини мустаҳкамлашда ва юртимизда профессионал ижрочилик санъати, илми ривожига ўз улушини қўшмоқдалар [2].

Истеъдодли ёшларимиз Ўзбекистон мавқеини юқорига кўтариб ғолиблик супасига кўтарилмоқда. Юксак мукофотларни қўлга киритиб Ўзбекистон ва Қорақолпокистон мусиқасини жаҳон сахналарида тарғиб қилган ижодкорларимиз борлиги албатта қувонарли ҳол.

Дарҳақиқат, миллий ва замонавий мусиқа санъатининг турфа ва ранг-баранг услуб ва кўринишларига эга бўлган андозалари асосида дурдона намуналарини ўрганиб тарғиб қилиш, ҳар бир мамлакатнинг маданий нуфузи ва даражасини белгилашда бош омил бўлиб қолади.

Ёш авлоднинг мусиқий истеъдодини ва маданиятини юксалтириш мақсадида, мамлакатимизнинг ҳар бир шаҳар-туманида мусиқа ва санъат мактабларининг фаолият кўрсатиши назарда тутилган.

Ўзбекистонда профессионал мусиқа санъати ривожига жараёнида композиторлик ижодиёти алоҳида аҳамият касб этади. Табиийки, композиторлик ижодиёти кўп овозли мусиқий жанрларга мурожаат этиши, жаҳон мусиқа маданиятини чуқур ўрганиш асносида ўз миллий тараққий йўлини белгилаши тақозо этди. Миллий композиторлик мактабларнинг шаклланиши ва ривожланиши шу тарихий босқичлар асосида амалга ошди. Бевосита мазкур мактабларни ўзига хослиги, миллий қиёфасини белгилашда шу мактабларни таркибига кирган ижодкорларнинг самарали ижодий ютуқлари белгилаб берди.

Ҳар бир композитор истеъдодининг ёрқин қирралари у яратган мусиқий асарларида гавдаланиб, миллий ва умуминсоний ғоя ва мавзуларни, ўзига хос ижодий талқини ва бадиий кўринишида тингловчиларга намоён қилади. Бу борада ҳар бир муаллифни маълум жанрга ва ижодий услубига ижодида бўлган ёндашуви ва мойиллиги бевосита ижодкорнинг онги, миллий тафаккури, маданияти, олган билими ва бадиий дидининг шаклланиши каби мезонларга бориб тақалади.

Қорақалпоқ мусиқа маданиятида, Ўрта Осиёнинг бошқа халқлари сингари, ўзининг мураккаб ички тузилишига эга бўлган асосий қатламлари: анъанавий мусиқа ва Европа композиторлик ижодиёти асосида ривожланган профессионал (ёзма) турдаги замонавий мусиқа санъати мисолида гавдаланади. Хусусан, Қорақалпоғистон мусиқа ҳаётида фольклор ва анъанавий мусиқа санъати жанрлари (бахси, жырау, қиссахонлик) ва янги ижро жанрлари (симфоник мусиқа, балет, опера) ривожланиб бормоқда. Зеро, анъанавий мусиқа маданиятининг бошқа турлари ва жанрлари билан бирга, жырау ва баксалар ижоди Қорақалпоқ халқининг асл миллий маданий қадриятларининг ифодаси сифатида ўзининг маданий аҳамиятига эга.

Тарихга назар ташласак, эрамининг биринчи асрига тегишли ажойиб маданий мерос сифатида «Айиртам»дан топилган «Уд» асбоби, 1946 йили археологик экспедиция натижасида «Топақ қалъадан» тошга ўйиб чизилган расмда «Арфа» чалиб турган мусиқачини ҳам 1947 йили яна шу тупроқлардан икки торли дутор туридаги чолғу асбобини ушлаб турган инсон фрагментини топилиши бунинг яққол далилидир. Мана шу мусиқа асбобларининг расми чизилган ёдгорликнинг, шунингдек оғзаки ва ёзма битиклардан қорақалпоқ халқининг ота-боболаримизнинг маконидан топилиши ҳам кенг тармоқли қорақалпоқ халқининг бошқа туғишган миллатлар халқлардаги сингари, мусиқа маданиятига эга бўлганлигидан даракдир [3, Б.218].

Қорақалпоқ мусиқа маданияти миллий оғзаки ижодда гавдаланади. Миллий мусиқий маданият мусиқани ташувчи ва сақлаб қолувчи ижодкорлар – кўшиқчи, бахши кўшиқчи дутор чолғуси жўрлигида кўшиқ ва дostonларни ижро этувчи)лар, ҳикоячи жырау, қаҳрамонлик ҳикояларни баён қилувчи қиссахонлар томонидан намоён қилинади. Улар орасида Ғарибнияз, Ешбай, Ақимбет, Муса, Суеу, Шерназар, Арзй, Жуман, Есжан, Жапақ Оринбай.

1919 йили «Турткўл»да илк бора мусиқий драматик жамоа бўлими очилди. Бу жамоа барча тўғаракларга бошчилик этиб, шаҳарлар билан қишлоқларда концертлар ташкил қилинди. Бу жамоа ўзининг касбий фаолиятини кучайтириш учун марказий шаҳарлардан тажрибали кадрларни жалб қилди.

Дастлабки даврда мусиқали спектаклларга ижодкорлар халқ мусиқасини қайта ишлаган бўлсалар, сўнгра профессионал мусиқа намуналарни яратишга ҳам бел боғладилар. Қорақалпоғистоннинг биринчи актёри, драматурги, режиссёри, мусиқачи ва мелодисти А.Утепов билан атоқли бахши-мелодист Ж.Шамуратов ва яна бир қатор композиторларнинг ижодий натижаси сифатида «Тенин тапқан қиз», «Гуман», «Бағдагул», «Қорлиқтан азат» ва бошқа пьесалар сахна юзини кўрди [4, Б.190].

1925 йили Туркулда «Ган нур» труппаси шакл топди. 1925-йили январь ойидан бошлаб «Қорақалпоқ труппаси» деб номланиб, ҳозирги Қорақалпоқ мусиқали академик театрининг негизини ташкил этди. Бу жамоанинг репертуари бир актли спектакль, интермедия ва яна бошқа жанрлардан иборат эди.

Уларда халқ ва мумтоз куй-қўшиқлари – «Бозатау», «Шимбай», «Галгалай», «Недағ» кўшиқлари ва «Нар ийдирген», «Нама басы», «Қара жорға», «Пахай», «Ариухан» куйлари жой олди. Бу спектаклларда хор, ансамбль, декламация ва ҳазил сўзли шеърӣй номерлар айтиладиган бўлди. Театр ўзининг дастлабки ўн йиллиги давомида Қ.Авезовнинг «Тилек жолинда», А.Утеповнинг «Жездежан», «Зиндан», «Ашиқ зари», «Шалеке бай», «Гуман», «Тенин тапқан қиз», С.Мажитовнинг «Ерназар ала кўз» каби мусиқали пьесалар ва интермедияларни сахналаштирди [5, Б.52-54].

1925-1926 йиллари мусиқачи тадқиқотчиси, фольклорист В.Успенский Туркменистон территориясига йўл олган экспедициясида бир қанча куйларни йиғиб, тўплам қилиб чиқаради. Бу китобда Порси (Калинин) Хожели, Қунғирот туманларидан ёзиб олинган куйлари орасида Қорақалпоқ куйлари ҳам бор. Ҳозирда Қорақалпоқ халқи орасида ушбу куйлар, жумладан: «Айжамал», «Жиғали еки», «Ауезим», «Дургалар», «Салтик», «Хожа бағман», «Мухаллес», «Кор қиз», «Нарийдирген», «Яр анда қалди» ва бошқа куйлар оммалашиб катта давраларда ижро этилиб келинади.

1930-йили давлат сиёсати таъсирида ўқувчилар орасида «Комсомол», «Жана дийхан», «Пионер», «Женгежан», «Қази ийшан» сингари янги мазмундаги куй-қўшиқлар пайдо бўлди. Шу йилларда Қарақалпоқ миллий театрининг дастлабки мусиқали драма ва комедиялари учун мусиқа тўплаш ва яратиш ишларида бирқатор ижодкорлар меҳнат қилдилар: композиторлар – Ж.Шамуратов Б.Туманян, Г.Компонеес, В.Шафранников, А.Халимовлар ҳамда драматурглар – А.Утегенов, С.Мажитов, А.Бегимов, Н.Дауқараев, А.Ауезва, М.Дарибаев, Ж.Аймурзаев, Т.Сейтжановлар. Улар янги очилган театрининг репертуарини халқ образлари, мавзулари, куйлари билан бойитиш ишларига салмоқли ҳисса қўшган [6, Б.171].

Йиллар давомида самарали меҳнат қилган Ж.Шамуратов Б.Туманян, Г.Компонеес, В.Шафранников ва А.Халимовлар натижада 20 дан ортик мусиқали драма ва комедияларга мусиқа яратдилар. Жумладан, «Бағдагул», «Коклен баир», «Хорлиқтан азат», «Айгул Абат», «Арал қизи», «Бердак», «Лейтинант Елмуратов», «Аму бойинда», «Сўймегенге сўйкенбе» томошабинлар эътиборига ҳавола этилди.

Шу билан бирга, композитор Жапақ Шамуратов (1893-йили таваллуд топган) 200 дан зиёд мусиқий асарлар муаллифидир. Унинг ижодида алоҳида эътибор қўшиқ ва оёқ-ўйин рақслари, дутор чолғуси учун куй-намалари эгаллайди. Ж.Шамуратовни композиторлик услуби қорақалпоқ халқ дostonлари, бахши жырау ва халқ урф-одат куй-қўшиқлари ҳамда ҳофиз бахшиларнинг ижро йўллига ҳамоҳанглиги боис, у яратган қўшиқ ва рақслар – «Ғариб ашиқ», «Саятхан хамра», «Ашиқ Нажеп Даулетярбек» каби лирик дostonларида ва тўй маросимларида ижро этилиб келмоқда.

Хусусан, тўпламнинг 18 та куйи мусиқа асбоблари – баян ва аккордион учун қайта ишланиб, «Народная музыка каракалпакии» номи билан Москвада нашр юзини кўрди. Айнан В.Шафранников Қорақалпоғистон ижодкорлари томонидан жаҳон мусиқа жанрлари ва шакллари ўзлаштириш учун мутахассисларни жалб қилган ва ҳозирги замон композиторларлик мактабини пойдеворига асос солган шахслардан бири ҳисобланади [7, Б.31].

Композитор қорақалпоқ халқ куйлар асосида – фортепиано, скрипка, дамли чолғулар, ансамбль ва оркестр жамоалари учун пьесалар, маршлар, рақслар ва куйлар яратди. Унинг уруш мавзусига ёзилган «Фашизмга ўлим», «Будений жауға атланди» ва бошқа қўшиқларни ва мусиқали драмалари тарихий ва маданий эсдаликлар сифатида сақланиб қолди.

**ИҚТИБОСЛАР/СНОСКИ/REFERENCES**

1. Мирзиёев Ш. “Маъданият ва саҢъат соҳасида янада ривожлантириш ва такомиллаштириш чора-тадбирлари хусусида”ги 2017-йил 31- майдаги ПҚ-3022-сон.
2. Мирзиёев Ш. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. Мазкур китобдан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 1 ноябрдан 24 ноябрга қадар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри сайловчилари вакиллари билан ўтказилган сайловолди учрашувларида сўзлаган нутқлари ўрин олган. – Т.: «Ўзбекистон», 2017. – Б. 488.
3. Т.Адамбаева “Революцияға шекемги Қарақалпақ музыкасы” - Нукус 1976, 12-бет
4. Айымбетов К. Халық даналығы. Нукус, 1968.
5. Жабборов А. Ўзбекистон бастакорлари ва мусикашунослари. – Т., 2004 Интонация и музыкальный образ. М., 1965
6. Максетов К. Каракалпак жырау баксылары. – Нукус, 1983.
7. Максетов К. Каракалпакский эпос. – Ташкент, 1976

ISSN: 2181-4562  
DOI Journal 10.56017/2181-4562

# МАДАНИЯТ ВА САЊАТ ЖУРНАЛИ

I-ЖИЛД, 9-СОҢ

## ЖУРНАЛ КУЛЬТУРА И ИСКУССТВО

ТОМ-I, НОМЕР-9

## JOURNAL OF CULTURE AND ART

VOLUME-I, ISSUE-9

«Маданият ва санъат» электрон журнали 2023 йил 24 февраль куни № 065356-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «IMFAKTOR Pages» масъулияти чекланган жамияти.

Таҳририят манзили: 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2-уй.

Телефон номер: +99894-410 11 55

Эл. почта: [tahririyat@imfaktor.uz](mailto:tahririyat@imfaktor.uz)

Веб-сайт: [www.imfaktor.uz](http://www.imfaktor.uz)